# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 108 (9.758) 2002 йил 11 сентябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда






# ТОШКЕНТДА КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

*Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро теннис турнири бошланди. Шу муносабат билан нафақат пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз катта теннис шукуҳи билан яшамоқда.*

*Бир неча йилдан буён зўр муваффақият билан ўтказиб келинаётган мазкур мусобақанинг дунё спортидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Буни турнирда қатнашиш учун Тошкентга дунё теннисининг кўплаб юлдузлари ташриф буюрганидан ҳам билса бўлади. Улар орасида Марат Сафин, Евгений Кафельников, Марк Россе каби машҳур теннис усталари бор. Шунингдек, Томми Ҳаас, Дэвид Сангунетти, Кеннет Карлсон, Райнер Шуттлер, Осиё қитъасининг энг номдор теннисчиси Парадорн Сричапан ва бошқалар Президент кубогини қўлга киритишга бел боғлаган.*

10 сентябрь куни "Ўзбекистон" спорт мажмуида Президент Кубоги халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

— Шу кунларда Тошкентда катта спорт байрами, — деди давлатимиз раҳбари. — Мамлакатимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турнири қатнашчилари ташриф буюрди.

Мазкур турнир қисқа вақт ичида катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. У сайёрамизнинг турли мамлакатларидаги минглаб спортчиларга Тошкент билан танишиш, айтиш мумкинки, унга меҳр қўйиш имконини берди, деб таъкидлади Президент.

Дунёдаги миллионлаб теннис мухлислари эса матбуот ва телевидение орқали Ўзбекистон билан яқиндан танишмоқда.

Энг муҳим ва аҳамиятли жиҳати — Президент Кубоги турнири катта теннисни мамлакатимизда оммалаштиришдек буюк ишни амалга оширди.

Бугунги кунда ушбу гўзал ва ажойиб спорт тури билан каттаю кичик миллионлаб ҳамюртларимиз шуғулланмоқда. Бугун Тошкент дунёнинг профессионал теннис бўйича мусобақалар ўтказилаётган кўплаб пойтахтлари ва шаҳарлари қаторидан ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллади.

Тошкент турнирига кетма-кет уч бора "Ай-Ти-Пи"нинг "Юксак нуфузи учун" мукофоти топширилиши бежиз эмас.

Мусобақанинг барча иштирокчиларини — эски қадрдонларимизни ҳамда ушбу турнирда илк бор иштирок этаётган спортчиларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Биз бутун дунёга машҳур спортчилар — ажойиб теннис усталарини муборакбод этамиз.

Президентимиз Сассон Какшури раҳбарлигидаги турнир ташкилотчилари, ҳакамлар ҳайъати ҳамда супервайзери Томас Карлбергни ҳам муборакбод этар экан, уларга мазкур нуфузли мусабақаларни юксак савияда ташкил этаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Томошабинлар ва бутун Тошкент аҳлига самимияти, очиқ чеҳраси, меҳмондўстлиги ва мусобақа иштирокчиларини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги тўққизинчи халқаро турнирини очиқ деб эълон қилди.

Шу куни кортда швейцариялик Марк Россе ва германиялик Томми Ҳаас ўзаро беллашди.

Шундай қилиб, Тошкентда катта теннис байрами бошланди. Бир неча кун давомида пойтахт аҳли ва меҳмонлари, қолаверса, телевидение ва матбуот орқали бутун дунёдаги теннис ихлосмандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турниридаги шиддатли ва murосасиз спорт беллашувларига гувоҳ бўлади.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА:** *турнир очилиши маросимидан лавҳалар.*

**А.ТЎРАЕВ, М.АМИН ва А. РИСҚИЕВ олган суратлар.**

# Дўстлик ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланади

**Ўзбек ва қозоқ халқларини азалий дўстлик, биродарлик ришталари бирлаштириб туради. Тили, дини, маданияти ва ўтмиши бир бўлган икки қардош халқнинг истиқболдаги мақсадлари ҳам муштараклиги эса муҳим аҳамият касб этади.**

**Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятлар қулфини очиш, икки қўшни мамлакат давлат чегараларининг делимитациясини ниҳоясига етказишни Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларидаги долзарб масалаларидан, дейиш мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда меҳмон бўлди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Остона аэропортида юксак мартабали меҳмонни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг саройида дастлаб Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев яккама-якка суҳбатлашди. Шундан сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди.

Томонлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги поғонага кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашди. Хусусан, ўзаро маданият кунларини ўтказишга келишиб олинди. Музокараларда, шунингдек, иқтисодий жабҳадаги ҳамкорликни кучайтириш, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди. Маълумотларга қараганда, 2002 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 124 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.

Ўзбекистон раҳбари икки давлатнинг бу соҳадаги имкониятларини «ягона локомотивга бирлаштириш» таклифини илгари сурди. Ушбу таклиф Қозоғистон томонидан қўллаб-қувватланди. Қўнғирот-Бейнов-Оқтов автомобиль йўлининг қурилиши қардош халқларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, экспорт-импорт имкониятларини кенгайтириши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш борасидаги ташаббус, экологик муаммоларнинг олдини олиш, бу масалаларга бағишланган анжуманни Семипалатинск шаҳрида ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди. Зеро, эски тузум даврида шу ҳудудда ядровий синовлар ўтказилган эди. Унинг асоратлари ҳамон сезилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг узунлиги 2440 километрга етади. Бундан ўн ой аввал давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича келишиб олинган эди. Қисқа фурсат ичида йирик ҳажмдаги иш бажарилди. Ташриф давомида президентлар томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисидаги битим билан мазкур жараён тўлиқ ниҳоясига етказилди.

Аммо бу икки мамлакат, икки халқ ўртасига тўр сим тортилди, дегани эмас. Дўстлик ва қардошлик алоқалари аввалгидан ҳам қизғин давом этаверади.

Остонадаги учрашувлар чоғида яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бажарилиши ҳақида қўшма декларация қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига етгач, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

— Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг делимитацияси масаласида ҳеч қачон бир тўхтамга кела олмайди, деб жар солганлар биз имзолаган ҳужжатлар билан танишгач, хато қилганларини тушуниб етса, ажаб эмас, — деди, жумладан, давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари Қозоғистон Президенти ҳамроҳлигида Ватан ҳимоячилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

«Байтерек» мажмуи Остона шаҳрининг ўзига хос рамзи ҳисобланади. Ислом Каримов ташриф ниҳоясида ана шу иншоотни бориб кўрди. Унинг баландлиги 97 метр. Бунинг ҳам рамзий маъноси бор. 1997 йили Қозоғистон пойтахти Алматидан Остонага кўчирилган эди. Шу йилнинг 29 августида фойдаланишга топширилган «Байтерек»ка давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти қадам қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Остона аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кузатиб қолди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент — Остона— Тошкент.**

## ҚИСҚА сатрларда

● **ПОЙТАХТИМИЗДА** шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган семинарда бўқоқ касалликлари кўпайишининг олдини олиш бўйича тиббиёт ходимлари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, йодга бой озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш масалалари муҳокама этилди.

● **ТОШКЕНТ** Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** тарихи Давлат музейи янги қадимий топилмалар билан бойитилди. Муҳими музейнинг экспозицияси янгиланди, музей ҳақида ҳикоя қилувчи фотоальбомлар, мультимедиа тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Давлат кутубхонасида ўтмишдан мерос қолган дурдона китобларни келгуси авлодга етказиш масаласига бағишлаб «Кутубхона жамғармасини сақлаш — менежмент» деб номланган семинар шаҳримиз кутубхоналарининг ходимлари иштирокида уюштирилди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрган тарихчи олимлар, ёзувчилар ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туманлар бўлимлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тадбир шаҳримиз тарихига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ўтказилган йиғилишда жорий йилнинг шу кунигача бажарилган ишлар ва келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилди.

● **ШИФОКОРЛАР** малакасини ошириш илмий-текшириш институтида эса шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда тиббиёт соҳасини ривожлантириш хусусида сўз борди.

## Таълим истиқболи йўлида

**Ўрта махсус касб-ҳунар таълими мутахассисларининг хорижда ва мамлакатимизда малакасини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар алоқа коллежида касб-ҳунар коллежларининг директорлари ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Семинар машғулотларида республикамиздаги 50 та қишлоқ хўжалик коллежларидан вакиллар ҳам қатнашишди.

Унда хорижий тренинглар дастури ва мазмуни билан танишиш, замонавий ўқитиш технологиялари, лойиҳа усули ҳақида тушунчани шакллантириш, ўқув хўжаликлари фаолиятини, васийлик кенгашлари ишини ва педагог ходимлар малакасини ошириш бўйича тажриба алмашиш, хорижий тренинг шароитида малака оширишга қизиқишни шакллантириш каби масалалар юзасидан машғулотлар олиб борилди.

Ушбу семинар иштирокчилари жорий йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида босқичма-босқич 15 кун давомида Япониянинг Миязаки префектурасида малака оширишда қатнашадилар. Бунда қатнашувчилар хорижий технологиялар билан танишиб ўз малакаларини оширадилар. Шундай қилиб Японияда 106 нафар мутахассис замонавий усулда таълим бериш йўллари билан танишади. Ушбу лойиҳа ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ва япон Консалтинг фирмаси «Юнико Интернейшнл Корпорейшн» (UNICO) ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

**Бахтиёр КАРИМОВ**

## ТАДБИРЛАР

**Туркистон саройида «Қарияларни эъзозлаймиз» мавзуида катта концерт дастури бўлиб ўтди.**

Қарияларни эъзозлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Бу бизнинг бурчимиз, ўзлигимизни англатиб турувчи фазилатларимиздан биридир. Зеро, халқимизда «Ҳурмат қилсанг — ҳурмат топасан» деган нақл бежизга айтилмаган.

## Мароқли ўтди

Қарияларни қадрлаш йилида Юнусобод туман ҳокимлиги ҳамда туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан уюштирилган тадбирдан отахон ва онахонларимизнинг боши кўкка етди. Концерт дастурига туман маҳаллаларидан икки мингдан ортиқ кексалар ташриф буюрган бўлиб, улардан меҳнатда ўрнак кўрсатган қарияларга муносиб совға-саломлар топширилди. Хонандалар ижросида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар эса кечанинг файзли ўтишини таъминлади. Ушбу тадбирдан кўнгиллари тоғдек кўтарилган фахрий отахонлару онахонлар уйларига шод-хуррам қайтишди.

**Фозила ТОШПЎЛАТОВА**

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари давлат раҳбарларидан самимий дил сўзлари изҳор этилган қутловлар келиши давом этмоқда.

● Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ўртасида мамлакатимизда ушбу молиявий ташкилотнинг Миссиясини таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

● Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга умумий қиймати 39,1 миллион долларга тенг бўлган жами 90 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратиш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизга Хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Жорж Маршалл номидаги Европа маркази директори Роберт Кеннеди ташриф буюрди. Меҳмон мамлакатимизнинг айрим вазирлик ва идораларида бўлди.

● Сурхондарёда икки ширкат хўжалиги — Сариосиё туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган «Дашнабод» ширкат хўжалиги ва Термиз туманидаги кўп тармоқли «Термизнинг 2500 йиллиги» ширкат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартнома-режасини бажардилар.

● **Кеча** «Ўзпахтасаноат» уюшмасида ўтган йилги ҳосилни қайта ишлаш якунлари ва жорий йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказиш ишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда тармоқда ўтган йили йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик ҳақида сўз борди.

● Тошкентда «COSCOM» қўшма корхонасининг муомалага чиқарилган корпоратив облигациялари тақдимоти бўлиб ўтди. Бу облигацияларнинг умумий қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, икки йил муддатга 29 фоиз йиллик даромад билан чиқарилган.

● Замонавий санъат марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки коллекциясида қадимий тангалар кўргазмаси очилди.

● Миллий матбуот марказида «Буюк сарчашмалар ва замонавий тамаддун муаммолари» мавзуида анжуман ўтказилди.

● Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтида «Олий таълимнинг Ўзбекистон қурилиши ва архитектураси тараққиётидаги роли» мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

● Тошлоқ туманидаги Турбат қишлоғида фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик пункти беморларга хизмат кўрсата бошлади.

● **Кеча** Тошкентдаги «Камолот» спорт клуби базасида халқаро болалар теннис турнирининг очилиш маросими бўлди.

● **Бугун** Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан бу йил илк маротаба қитъамизда ташкил этилаётган футбол клублари ўртасида чемпионлар лигаси учрашувлари баҳсида Иордания чемпиони «Ал-Виҳдот» футболчиларини ўз майдонида қабул қилади. **Кеча** Ўзбекистон Футбол федерациясида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳар икки жамоа бош мураббийлари **бугун** ўтказиладиган беллашув олдидан мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан сониясига 5-10 метр тезликда шамол эсди. Кундуз куни ҳаво ҳарорати 31-33 даража иссиқ бўлди.

### Жаҳонда

● **Бугун** ўтган йил 11 сентябрида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри ҳамда пойтахт Вашингтон яқинида юз берган фожиаларга бир йил тўлди. Шу муносабат билан **бугун** Нью-Йоркда 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларининг бир йиллигига бағишланган ёдлаш маросими ўтказилади. Биринчи бинога биринчи самолёт урилган вақт, яъни эрталаб соат саккиздан қирқ олти дақиқа ошганида одамлар қурбонлар хотирасига бир дақиқа сукут сақладилар. Соат ўндан йигирма тўққиз дақиқа ўтганида, яъни иккинчи «Боинг» иккинчи бинога урилган пайтда ҳам бир дақиқалик сукунат сақланди. Сўнг қурбонларнинг қариндошлари Жаҳон савдо маркази котлованига гуллар қўйишди. Кечқурун соат саккизларга яқин фожиа юз берган жойга АҚШ Президенти Жорж Буш, АҚШга расмий ташриф билан келган қатор хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари Жаҳон савдо маркази биноси ўрнида мангу олов ёқишади. АҚШ Президенти Жорж Буш 2002 йилнинг 11 сентябрь кунини Ватанпарвар куни деб эълон қилди.

● **Кеча** Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 57-сессияси очилди. Ташкилот Хавфсизлик Кенгашининг сессияда муҳим воқеалардан бири сифатида кутилган махсус мажлиси халқаро террорчиликка қарши кураш масалаларига бағишланади. **Бугун** бўлиб ўтадиган йиғинда дунё мамлакатларидан сессияга келган ташқи ишлар вазирлари иштирок этишади. **Кеча**ги сессияда Швейцария БМТнинг 190-аъзоси этиб қабул қилинди.

● Австрия канцлери Вольфганг Шюссель 19 сентябрь куни мамлакат парламенти тарқатиб юборилиши ва янги сайловларнинг тайинланиши ҳақида маълум қилди.

● Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар «Бутун минтақада салбий оқибатларга олиб келиши мумкин». Салоникида ўтказилган матбуот анжуманида Греция Бош вазири Костас Симитис ана шу хақда маълум қилган.

● Араб давлатлари лигасининг Бош котиби Амир Мусо ўзининг куни кеча берган баёнотида Ироққа ҳужум қилиниши «Жаҳаннам эшикларини очиб юборади» деди.

● Колумбияда Миллий Озодлик армияси исёнчилари ўтган ойда гаровга олинган 27 нафар сайёҳлардан 10 нафарини озод қилган. Исёнчилар қолган кишиларнинг яқин кунларда қўйиб юборилишини ҳам маълум қилишган.

● Исроил бронетехникаси Дайр ал -Балоҳ қочоқлар лагерига қайта киритилган. Исроил ҳарбийларининг айтишича, улар террорчиликда айбланаётган фаластинликларни қидиришмоқда.

● Америка ҳарбийлари Афғонистоннинг шарқий қисмида кенг кўламда операциялар бошладилар. Ундан мақсад «Ал-Қоида» экстремистик ташкилоти аъзоларини топиш ва йўқ қилишдир.

● Ҳиндистонда содир бўлган темир йўл фалокати оқибатида 150 га яқин киши ҳалок бўлган, 200 дан зиёд киши жароҳатланган. Ҳозир фожиа юз берган жойда қутқариш ишлари олиб борилмоқда.

# ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Яккасарой туманидаги 319-мактаб нафақат туманда, балки шаҳарда ҳам анча эътиборли ўқув муассасаларидан бири ҳисобланади. Ана шундан бўлса керак, кўпинча туман миқёсидаги йиғилишлар бугунги кун талабларига жавоб берадиган ушбу бинонинг катта залида ўтказилади. Бу ерга ташриф буюрганлар батартиб мактаб ва унинг анвойи гуллар билан безанган ҳовлисига ҳавас қилсаларда, лекин унинг рўпарасидаги кўчанинг нариги томонидан муқим ўрин олган бир неча йиллик ахлатхонани кўриб диллари ранжишарди. Турли йўллар билан уни йўқотишга бир неча бор уриниб кўрилди. Лекин иложи бўлмади. Шу яқин атрофдаги кўп қаватли уйларда яшовчи баъзи бир ўзбошимча оилалар ахлатхонанинг зўрбазўр тозаланган қисмини пешма-пеш чиқиндилар билан тўлдираверди.

## Агар истак бўлса...

Нима қилиш керак? Шу ерлик аҳолининг илтимоси билан бу муаммони бартараф этиш ишига «Беҳрузбек-Муслима» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳожибек Ўрмонов киришди.

— Кўпчиликнинг истагини инобатга олиб туманимиз ҳокими Митҳад Йўлдошевга шу ҳақда маслаҳат солдим. У киши бизни қўллаб-қувватлабгина қолмай, балки руҳлантириб юборди, — дейди бизга Ҳожибек Ўрмонович. — «Жуда яхши ўйлабсиз. Бу хайрли ишга тезроқ киришинг. Нимаики ёрдам керак бўлса, берамиз», — деди у.

Ҳаялламай ишни бошлаб юбордик. Албатта узоқ йиллар давомида тўпланган уюм-уюм ахлатларни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб ташлаш учун катта куч керак эди. Шуни инобатга олиб бу ишга бир нечта техникаларни жалб этдик. Ҳамкорларимиз билан ҳамжиҳатликда қилган меҳнатимиз кўп ўтмай самара берди. Катта майдон юз очди. Энди бу ерни қайта ахлатхонага айлантирмаслик чорасини кўриш лозим эди. Шундан кейин бизда ушбу жойда одамларнинг кор-ҳолига ярайдиган дўконлар ва маиший хизмат хоналарини бунёд этиш фикри туғилди. Бу ниятимиз ҳам туман ҳокимлиги томонидан маъқулланди.

Бунёдкорлик ишига лойиҳачилар ва қурилиш мутахассисларини жалб этдик. Уларнинг маслаҳатлари билан бу ерда катта бир мажмуа қад кўтарадиган бўлди. Ундан озиқ-овқат дўконидан тортиб, маиший хизмат хоналаригача, машиналарга техник хизмат кўрсатиш шохобчаларидан тортиб, уларни қўриқлаб-сақлаш майдонларигача қуриладиган бўлди. Ҳатто бўлажак мажмуа рўпарасида мактаб жойлашганлигини ҳисобга олиб бу ерда турли хил дарсликлар, ўқув қуроллари билан савдо қиладиган бўлим ташкил этишни ҳам кўзда тутдик.

Бугун бу ерга келган киши бундан бир йил олдин ахлатхонага макон бўлган майдон ўрнида тикланган замонавий хизмат кўрсатиш хоналарини кўриб кўзи қувнайди. Машиналарни сақлашга мўлжалланган 100 ўринли майдон, турли устахоналар, шинам қаҳвахона, енгил машиналарга ҳар томонлама хизмат кўрсатадиган хоналар, ҳатто уларни ювиш хоналаригача мижозларга ўз эшикларини очган. Ўз касбининг фидойиси Гулнора Аҳмедова, Гавҳар Турсунова, Одил Пўлатов, малакали мутахассислар Забиҳилла Толипов, Қобил Ҳамидов сингари ходимлар хожатмандлар хизматига мунтазир.

Албатта, ҳар қандай хизматга холис баҳони мижозлар беради. Шуни ҳисобга олиб уларнинг баъзиларини суҳбатга тортдик.

—Ўзим шу яқин атрофда яшайман. Уйимиз ахлатхонанинг рўпарасида жойлашгани учун кундузлари пашша, кечалари чивинга таланиб чиқардик. Уни йўқотиш мақсадида қайларга югурмадик. Ниҳоят додимизга туман ҳокимлиги етди. Олийҳиммат одамлар ёрдамида бу ерни ободонлаштиришга киришилди. Бугун ўша ташландиқ жойда қад кўтарган замонавий мажмуа хизматидан айниқса шу яқин-атрофда яшовчи биз каби оилалар баҳраманд бўлиб турибмиз, — дейди бизга кекса отахон Сотволди Олимов.

— Ҳудудимизда бир нечта кўп қаватли уйлар жойлашган. Уларда истиқомат қилувчи аксарият оилаларнинг фарзандлари мана шу рўпарамиздаги мактабда ўқишади. Уларга китоб, ўқув қуроллари керак. Илгарилари дарсликларни сотиб олиш учун шаҳримизнинг турли чеккаларида жойлашган дўконларга югурардик. Бу йил бундай ташвишдан холи бўлдик. Янги қурилган мажмуада китоб-дафтардан тортиб барча қўлланмаларгача харид қилиш имкониятига эга бўлдик, — дея ўз миннатдорчилигини баён этди уй бекаси Гулнора Ҳасанова.

Машина эгаларининг-ку қувончи чексиз. Барча хизмат шундоққина олдиларида. Кечалари бехавотир ухлашади. Машинани сақлаш жойи тайин. Бугунги кунда аввало туман ҳокимлиги ёрдами, қолаверса «Беҳрузбек-Муслима» корхонаси раҳбарияти ташаббуси билан бунёд этилган мажмуа хизматидан аҳоли хурсанд.

— Мустақиллик тадбиркорликнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай имкониятлар яратяпти, — дейди бизга Ҳожибек Ўрмонович. — Буни ҳар жабҳада, хусусан шу соҳада иш юритаётган корхоналарнинг кундалик фаолиятидан ҳам билса бўлади. Масалан, «Яккасаройтаом» яқин-яқинларгача ҳиссадорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиб келди. Ўтган йилдан бошлаб унинг таркибида янги корхона «Беҳрузбек-Муслима» масъулияти чекланган жамият ташкил топди.

Мавзудан бироз четга чиқиб бўлсада мана шундай янгиланиш жараёнини бошдан кечираётган баъзи тадбиркорлар учун ибрат бўлар деган мақсадда янги корхонанинг ташкил этилиш жараёни билан қизиқдик.

— Биринчи босқичда ташкилий ишларни ниҳоясига етказдик. Иккинчи босқичда эса корхона фаолиятини такомиллаштириш устида иш олиб бордик, — дейди бизга корхона раҳбари. — Дастлаб техникавий қурилмалар янгиланди. Кейин замонавий техникаларни ўзлаштиришга киришдик. Бу иш ходимларимизнинг билим ва тажрибасини оширишни тақозо этарди. Уларни ишлаб чиқаришдан ажратмаган ҳолда мутахассислар ёрдамида ўқувларини ташкил этдик. Бир сўз билан айтадиган бўлсак ҳозир деярли барча муаммолар орқада қолди. Янги ва тўғри йўлга чиқиб олдик.

**— Демак, айтиш мумкинки, бугунги кунда корхона юксалиш пиллапоялари сари одимламоқда.**

— Шундай дейишга асос бор. Бу сўзнинг мисоли сифатида мана шу сиз кўриб турган янги мажмуамизни келтиришимиз мумкин. Ахир бундай катта ва кенг қамровли савдо нуқтасини бунёд этишга ҳар қандай корхона ҳам жазм эта олмайди. Айни дамда бизнинг барча таклиф ва ташаббусимизни қўллаб-қувватлаган шаҳар ва туман ҳокимлигига самимий сўзларимизни айтиб ўтишимиз даркор. Сабаби улар бизнинг истагимизни маъқуллабгина қолмай, балки ўзимизни тиклаб олишга ҳам ҳар томонлама ёрдам беришди, — дейди сўзининг охирида Ҳожибек Ўрмонов.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ДАСТУРХОН КЎРКИ

Яқин бир қадрдонимиз наҳорги ошга таклиф этди. Бордик. Тўй шаҳардаги шоҳона ресторанлардан бирида ўтаяпти. Дастурхон ҳам шунга яраша безатилган. Ундан энг сара, қимматбаҳо нозу неъматлар ўрин олган. Ҳар қатори 20 кишига мўлжалланган столнинг икки жойига турли хил ичимликлар чиройли қилиб териб қўйилган. Улар орасидаароқнинг анвойи хилидан тортиб коньяккача бор. Номдор хонанда ва созандалар даврани қизитиб ўтиришибди.

Катта-кичик иккита залга кириб чиқаётганларнинг кети узилмайди. Даврани бошқараётганлар шундай катта издиҳомни қойилмақом қилиб эплашиб турганига тан берасан киши. Улар ҳар бир меҳмонни эътибор ва иззат-икром билан кутиб олишиб, керакли жойига ўтказишади. Уларга пешма-пеш чой, кетидан лаганда ҳовури чиқиб турган қовурғали сомса тортилади. Ундан кейин эса усти гўшт-ёғга тўла бир неча япроқланган қазиси билан ош келтириб, қўйилади.

Бадастир дастурхонда фақат бир нарса етишмайди. У ҳам бўлса нон. Даврада елиб-югуриб хизмат қилиб юрганлар шошилинчда шунисини унутишган чоғи, ўтирганлардан бирови хизматчилардан бирига деди:

— Укажон, илтимос, агар имконият бўлса, бир-иккита нон берсангиз.

Хизматчи дастурхонга қаради-ю қизариб кетди.

— Ие, кечирасиз. Ҳозир.

У югургилаб бориб патнис тўла пиёзли, жиззали, седанали нонларни кўтариб келди. Нонлар бир зумда қўлма-қўл узатилди. Дастурхонга янада файз кириб кетди.

— Нонning ўрнини ҳеч нарса босолмайди-да, — деди шунда кимдир олдидаги бўрсилдоқ нонлардан ушатаркан.

— Нимасини айтасиз. Нонга энг улуғ неъмат деб бежиз тариф беришмаганда, ахир, — унга қўшилди ёнидаги ҳамроҳ.

ҚАРОР ВА ИЖРО

## Истеъмолчи манфаатини ўйлаб

**Республикамизда илмий асосланган иқтисодий сиёсат туфайли иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асослари вужудга келтирилди ва тез орада бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланди. Хусусан, давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилиб, бунинг учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган ҳолда меъёрий-қонуний негиз ҳам яратилди. Бироқ айрим хусусий тадбиркорларимиз томонидан тегишли ҳужжатларсиз, божхона тўловларисиз, шунингдек сифат-сертификати ва ҳисоб-фактурасиз озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида шу йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Хўш, қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда қандай ишлар амалга оширилди. Биз Бектемир туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр Абдусаломов билан туманда бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 июндаги ва 2002 йил 19 июлдаги Фармойишлари ижроси юзасидан Бектемир туман ҳокимлиги қошида махсус гуруҳ тузилиб, бу борада ҳудуддаги бозорларда фаолият юритаётган тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб борилмоқда. Уларга қарор ва Фармойишлар мазмуни тушунтирилиб, бозор маъмурияти ва солиқ инспекцияси идораларида қарор ва фармойишлар матни, бундан ташқари тадбиркорлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати осиб қўйилган, радио алоқаси орқали чиқишлар ўтказилмоқда.

Жумладан, «Бектемир универсал бозори» акционерлик жамиятининг ҳудудларида туман ҳокимлиги, Давлат солиқ инспекциясининг туман бўлими Бектемир туман прокуратураси қошидаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорлигида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилди. Уларга юқорида қайд этилган қарор ва Фармойишларнинг, тадбиркорлар учун савдо фаолиятида амалга ошириладиган тўловларда яратилган енгиллик ва қулайликлар ҳамда Республика бозорларига сифатсиз маҳсулотларнинг келтирилишининг олдини олиш, жисмоний шахслар томонидан четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг ҳисобга олиниши ва сотилиши тартиби, ҳисобга олиш китобларини Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтказиш қоидалари ва юритиш тартиблари тушунтирилди.

Бозор маъмурияти билан ўтказилган учрашувларда барча тадбиркорларга, яъни чет элдан маҳсулотлар олиб келиб ва Республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан савдо қилаётган ишбилармонлар ўртасида тенг ҳуқуқлик шароитларини яратиш сертификатланган, Давлат стандартидан ўтган, Республиканинг завод ва фабрикаларида ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотларнинг сотилишига катта аҳамият беришлари лозимлиги қайд қилиб ўтилди.

Туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари, тадбиркорларга юқоридаги қарор ва Фармойиш мазмун ва моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бориш билан биргаликда, улардан савдо жараёнида ушбу тартибга риоя қилишлари ҳақидаги мажбуриятномалар олинмоқда. Ўтказилган тадбирлар жараёнида туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан 35 та ҳолатда 154-сонли қарор талаблари қўпол равишда бузилганлиги, яъни жисмоний шахслар томонидан ноқонуний равишда, ҳеч қандай ҳужжатларсиз, акциз маркасисиз четдан олиб келинган тамаки ва спиртли маҳсулотлар — шакар, кийим-кечак ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ҳолатлари аниқланиб, жами бўлиб 9.516.700 сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилган,. қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-жиноятчилик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддалари билан маъмурий чоралар қўлланиб, олиб қўйилган маҳсулотлар давлат фойдасига ўтказилган. Жумладан, 16 ҳолатда жисмоний шахслар томонидан ноқонуний равишда акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари сотиш ҳолатлари аниқланиб, ашёвий далил сифатида 666 қути 240,7 минг сўмлик акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари олинди. 8 нафар қонунбузар шахсга нисбатан қонунга мувофиқ чора кўриш учун тўпланган ҳужжатлар туман судига юборилди. 2 нафар шахсга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди ва ундирилди.

Ўттиз учта фуқаро ва хусусий тадбиркорлар томонидан, тегишли ҳужжатларсиз, божхона тўловларисиз ва ҳисоб-фактурасиз ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳолатлари аниқланиб, ашёвий далил сифатида 7377,7 минг сўмлик кийим-кечак, пойабзал ва атторлик моллари олинди. 10 нафар қонунбузар шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-2-моддаси асосида чора кўриш учун тўпланган ҳужжатлар туман судига юборилди. Битта шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 168-моддаси асосида маъмурий жарима қўлланилди ва ундирилди. Қолган 12 қонунбузар шахсларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар ҳозирги кунда суриштирув жараёнида.

Бюджетга пул тушумини таъминлаш, дебитор-кредитор қарзларни ундириш, ойлик иш ҳақининг ўз вақтида берилиши, боқиманда қарзларини қисқартириш ҳамда нақд пул эмиссиясини мустаҳкамлаш борасида туман ҳокимлиги қошидаги пул-кредит сиёсати комиссиясида ўтказилаётган йиғилишларда прокуратура ходимлари мунтазам равишда қатнашиб, туман ҳудудида жойлашган барча стационар савдо шохобчаларида касса аппарати ишлатилиши ёки махсус квитанцияларни харидорларга берилишига доимий равишда эътибор қаратилиши, акс ҳолларда савдо учун махсус рухсатномаларини олиб қўйиш ҳақида ҳокимлик қошидаги савдо департаменти, солиқ инспекцияси раҳбариятига кўрсатмалар берилди.

Ушбу қарорлар ва Фармойишларнинг моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида туман прокуратураси ходимлари ва бошқа мутасадди идора раҳбарлари билан ҳамкорликда бозорлардаги радиоузелларда, тумандаги кабел телевидениесида чиқишлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банк-дан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман солиқ инспекцияси томонидан 2 та махсус ходим ажратилиб, улар инкассатор автомашиналарида нақд пул тушумини йиғишда доимий равишда қатнашиб келмоқда. Ушбу Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича қонунбузарларга нисбатан қатъиятлик билан чоралар кўриш белгиланди.

Туман ҳокимлиги ва Давлат солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтган, республикага чет эл маҳсулотларини олиб келувчи ва улгуржи-чакана савдо билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорларнинг рўйхати тегишли идоралардан талаб қилиб олиниб, уларнинг фаолияти ўрганилмоқда. Шу жумладан, бозор ҳудудида ва кўчаларда ҳеч қандай шароит яратилмаган ҳолда, антисанитария ҳолатда, касса аппаратисиз салқин ичимликлар билан улгуржи савдо қилаётган тадбиркорларни аниқлаш ва уларга нисбатан қатъий чора кўриш тўғрисида туман Давлат солиқ инспекцияси ва Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

**Очил ҲАЗРАТОВ ёзиб олди.**

# ЯХШИ ГАПНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

**Эрта тонгда Қорақамишдан 4-троллейбусга ўтирдик. Озода ва бартартиб салондан 10 чоғли йўловчилар жой олишди. Бўш ўриндиқлардан бирига ўтиришимиз билан радио карнайдан ҳайдовчининг хушрўй овози эшитилди**



— Ассалому алайкум, ҳурматли йўловчилар, тонгингиз хайрли, йўлингиз бехатар бўлсин. Йўналишимиз Ўзбекистон Миллий университети, Чорсу, «Шератон-Тошкент» меҳмонхонаси, Болалар дунёси орқали Экскаватор корхонаси бекатигача давом этади. 3-трамвай-троллейбус саройи жамоаси сизларга хизмат кўрсатишдан миннатдор.

Шу каби илиқ сўзлар билан йўлга тушдик. Ҳайдовчи ҳар бир бекатнинг номини айтиб, навбатдаги бекатда машинадан тушувчиларни тайёргарлик кўришга чорлаб борди. Унинг бу қадар хушмуомалалик билан троллейбусни бошқариши ўз навбатида йўловчилар кайфиятига ҳам таъсирини ўтказди.

— Ҳамма жамоат транспорти ҳайдовчилари ўртасида шундай тартиб жорий қилинса, нур устига нур бўларди, — деди ёнимда ўтирган ҳамроҳим.

— Машина салонининг тозалигини айтмайсизми. Афсуски эрта тонгдан баъзи бир троллейбус ёки автобусга шошиб чиққан йўловчилар ўриндиқлардаги чангларни ўзлари тозалаб ўтиришларига тўғри келади. Ҳатто чиптачиси бор машиналарда ҳам баъзан шундай ҳолни кузатиш мумкин, — дейди яна бир йўловчи.

— Гапингиз тўғри, — унинг фикрига қўшилади ёнма-ён ўтирган ўрта ёшли киши. — Тонг саҳарлаб йўловчилар озода кийиниб, ювиниб, тараниб йўлга тушади. Ҳамма ҳам рўмолчасига ўриндиқни артиб тозалашни ўзига эп кўравермайди. Шу туфайли у бўш ўриндиқ бўлса-да тик туриб кетишга мажбур бўлади. Баъзи бировлар эса шошилиб ёки хаёл билан ён-атрофга қарамай, чанг босган ўриндиқларга ўтириб олишдан ҳам тойишмайди.

Хуллас, ҳайдовчининг яхши хусусиятлари ҳақида бошланган гап анча-мунча йўловчилар дилидагини тилига чиқарди. «Музокара» ҳамма жамоат транспортларида шундай тартиб ўрнатиш, эрта тонг уларнинг салонини ювиб тозалаб йўлга чиқариш керак, деган сўз билан якун топди.

Шу гап бизни 3-трамвай-троллейбус саройига етаклади. Дарвозадан кириб боришимиз билан гўё ўзимизни трамвай-троллейбуслар турадиган саройга эмас, балки обод бир масканга кириб қолгандек ҳис этдик. Каттагина майдон ораста, озода. Ҳовли гулзор, теварак-атроф дов-дарахтларга бурканган. Улар орасида шу йил эрта баҳорда экилган мевали ва манзарали нав-ниҳолларни ҳам кўриш мумкин. Лўнда қилиб айтганда, корхонага қарашли 15 гектар майдоннинг ўзлаштирилмаган бирон ери қолмаган.

«Ватан остонадан бошланади», деган гап бор халқимизда. Бу дегани аввало ўз уйи, остонасини севган, уни қадрлаган, обод қилган киши Ватанни севади дегани. Шундай экан ўз остонасини азиз ва мукаррам деб билган инсонларда Ватан туйғуси ўзгаларга нисбатан кучлироқ бўлади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу ерда ўз касбини улуғлайдиган, элюрт хизмати учун камарбаста бўладиган жонкуярлар ишлаши билиниб турибди. Улар тонг саҳарлаб ширин уйқудан воз кечиб, йўловчилар хизматига чиқишади. Ҳамшаҳарлари узоғини яқин қилишади. Шу ўринда фикр исботи учун бир-иккита мисол келтирмоқчимиз. Жамоа бир кунда ўрта ҳисобда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатади.

Корхона янгиланиш йўлидан дадил бормоқда. Сўнгги йилларда унинг ташқи қиёфаси тубдан ўзгарди. Цехлар янгиланди. Уларга замонавий жиҳозлар киритилди. Давр билан ҳамнафас ихтирочиларнинг таклифларига кенг ўрин берилди. Ихтирочилар бир йилда 33 та фойдали таклиф киритиб, бунинг эвазига саройга 22 миллион 780 минг сўм фойда келтиришди.

Қарияларни қадрлаш йилида корхонада фаолият кўрсатаётган ёки шу ерда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан кексалар, қаровчиси йўқ ёлғизлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайтирилди. Шу кунгача уларга 5 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Бундай ижобий мисолларни такрор ва такрор келтириш мумкин.

Албатта, корхонадаги хайрли ишлар биринчи навбатда раҳбарнинг фаолияти ва унинг қай даражада ишбилармонлиги, ходимларга нисбатан талабчан ва меҳрибонлигига боғлиқ. Сарой бошлиғи Фурқат Азимовнинг қатъиятли ва адолатли раҳбар эканлигини жамоа аллақачон тан олган. У катта ҳаёт тажрибасига эга. Ушбу саройга келгунга қадар кўпгина корхоналарда раҳбарлик лавозимларида ишлаб, тажриба орттирган. Уларни оёққа туриб олишига озми-кўпми ҳисса қўшган.

— Корхонамиз аҳлининг бутун диққат-эътибори йўловчиларга самарали хизмат қилишга қаратилган, — дейди у бизга. — Ўтиш даври қийинчиликларини қадам-бақадам тугатиб, енгиб бораяпмиз. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Ақалли бундан бир неча йиллар муқаддам саройимиздаги кўпчилик транспортлар эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Уларнинг сафини янгиси билан тўлдиришдан аввал йўловчиларни узоқ муддат бекатларда туриб қолмасликлари учун эскиларидан иложи борича фойдаланиб турдик. Уларни ўз кучимиз билан таъмирлаб, йўналишларга чиқаришга ҳаракат қилдик. Ҳаракат таркиблари аста-секин тўла бошлади. Саройимиз янги-янги трамвай, троллейбуслар билан бойиди. Шу йилнинг ўзида 6 та янги «ЗИУ-9» русумли троллейбусларини сотиб олиб, уларни 2-, 3-, 28-йўналишларга бириктириб қўйдик. 15 та троллейбусни ўз кучимиз ҳисобига қайта таъмирладик. Бугунги кунда бир кеча-кундузда 103 троллейбус, 94 трамвай йўловчилар хизматига чиқарилмоқда. Бу техникалар доимо хизматга шай бўлиб туриши учун барча зарурий чораларни кўриб қўйганмиз.

Бизни кўпдан бери бир муаммо қийнайди. У ҳам бўлса «Шкода» русумли машиналарнинг эҳтиёт қисмлари етишмаслигидир. Шу мақсадда 84-завод билан ҳамкорлик юзасидан алоқа боғладик. Улар бизга компрессор ва ярим кўприклар тайёрлаб беришадиган бўлишди. «Алгоритм» корхонаси эса буюртмамизга кўра трамвай ва троллейбуслар учун электроника қисмларини ишлаб чиқаради. Келгуси режаларимиздан ҳам шу каби янгиликлар, изланишлар ўрин олган.

Бугунги кунда корхонада 820 киши меҳнат қилмоқда. Улар орасида турли миллат вакилларини учратиш мумкин. Жамоанинг кучи билан бир кунда троллейбуслар бўйича 983 минг, трамвайлар бўйича 1.808 минг сўмлик кира ҳақи йиғилмоқда. Кундалик жамғармани оширишда айниқса 6-, 13-трамвайлар ва 2-, 4-, 3-троллейбус йўналиши ҳайдовчилари кўпроқ ҳисса қўшишмоқда.

Корхонада ихтирочилар сафи ҳам ўсиб бормоқда. Бу хусусда гап борганда Рафаэль Раҳматуллин, Владимир Козлов сингари ўнлаб янгилик изловчилар номини келтириш мумкин. Мана шулар яратган ихтиролар корхона тежамкорлик фаолиятини яхшиламоқда. Бир мисол. Илгари ҳаво ёстиқчалари корхонага Чехословакиядан валюта ҳисобига келтирилар эди. Ҳозир юқорида зикр этилган ихтирочилар таклифи билан ички имкониятлардан фойдаланиб, улар шу ернинг ўзида тайёрланадиган бўлди. Олдин шундай эҳтиёт қисмнинг ҳар бири учун 210 АҚШ доллари сарфлаган бўлса, бугунги кунда бу ноёб маҳсулот учун бор йўғи 20 минг сўм сарфланмоқда. Мана шу каби янгиликлар сарой моддий-техник базасини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилаётир.

Корхонанинг молиявий барқарорлигиин таъминлаш, бўлар-бўлмас сарф харажатларини камайтириб, трамвай ва троллейбусларни йўловчилар хизматига режада белгиланган тартибда чиқариш ҳар бир жамоа аъзосининг кундалик иш фаолиятидан ўрин олган.

Ушбу материални газета саҳифасида чоп этишдан олдин ўзимизча мақола аввалида ёзилган сўзлар сарой ҳайдовчиларининг кундалик фаолиятига айланганми, йўқлигини билиш мақсадида тунги соат 23 ларга яқин 4-йўналиш бўйлаб қатновчи троллейбусга ўтирдик. Охирги бекатга етиб келишимиз билан радио карнайдан ҳайдовчининг хушхандон сўзлари жаранглади.

— Ҳурматли йўловчилар, машинамиз сўнгги бекат Қорақамишга етиб келди. Биз сиз билан хайрлашар эканмиз, жамоамиз номидан тунингиз хайрли ўтишига тилакдош бўлиб қоламиз.

Нима ҳам дердик. Яхши гапнинг баҳоси йўқ. У ҳар қандай одамга хушкайфият бағишлайди. Қани энди орзу қилганимиздек шаҳримиздаги барча жамоат транспортларида ҳам шу тажриба қўлланилса.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

**СУРАТДА:** корхона ҳаётидан лавҳа.



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Кобул-Ўзбек Со» қўшма корхонаси маҳсулотларининг 95 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинади.

**СУРАТДА: корхонанинг қадоқлаш цехи илғорлари.**

**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

ШАҲРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

# Мингўрик

**Археологик маълумотларга кўра, ҳозирги Тошкент ҳудудида илк ўтроқ ҳаётнинг бошланиши милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. 1994 йилнинг 25-28 апрелида Япониянинг Киото шаҳрида бўлиб ўтган 4-жаҳон тарихий шаҳарлар конференцияси қарори билан ташкил этилган тарихий шаҳарлар иттифоқи томонидан нашр қилинаётган «Жаҳон тарихий шаҳарлари» журналида қайд этилган шаҳарлар рўйхатидан Тошкент ҳам ўрин олганлиги фикримизнинг далилидир.**

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган 1-13 асрларга оид Мингўрик археология ёдгорлиги ҳозирги Тошкентнинг айнан марказида, Тошкент темирйўлининг шимолий вокзали яқинида, Салор канали соҳилидаги ноёб ёдгорликдир. Маҳаллий аҳоли ўртасида Афросиёб тепаликлари номи билан машҳур бўлган қадимий Шошнинг мадинаси (пойтахти) қолдиқлари ҳақидадир. Бу қадим шаҳар қолдиқларининг Мингўрик дейилишига сабаб 1830 йилларда Қўқон хонлиги ҳукмронлиги даврида барпо қилинган ўрикзорлар билан ёнма-ён бўлганлигидан келиб чиққан. Шаҳар қолдиқларининг ўрни ва шу атрофлар 1865 йилга қадар Шайхонтоҳур даҳасининг хушманзара мавзеларидан бири бўлган. (мавзенинг номи ҳам Мингўрик номи билан юритилган). Бу тепаликларда халқ сайиллари ўтказилган, шаҳар ярмаркалари бўлиб турган, айниқса Наврўз байрамлари кенг нишонланган, XVIII асрнинг 70-йилларида шаҳар қурилишларининг жадал суръатлар билан авж олиши Мингўрик ҳудудининг олдинги рельефи ва ёдгорликнинг маданий қатламларининг бузилиб кетишига сабаб бўлган. Унинг бир қисмигина сақланиб қолган холос.

Ёдгорлик дастлаб 1896 йилда, сўнг 1912 йилда ҳаваскор археологлар томонидан қайд этилган. 1920 йилларда М.Е.Массон ёдгорлик топилмаларини ўрганиб, бу ерда Чоч давлатининг туркий ҳоқонлари резиденцияси жойлашган бўлиши мумкин, деган хулосага келади.

Ривоятларга қараганда бу ерда ҳашаматли сарой бўлган. 1950 йилларда ҳозирги Тошкент вилояти ҳокимияти ўрни кавланганда ва «Тонг» ҳиссадорлик жамияти ҳудудидаги археологик қазишлар ривоятлар ҳақиқатга яқинлигидан далолат берди. Шаҳарнинг ниҳоятда кенг бўлганлигини исботлади.

1968 йилда Тошкент археологик экспедицияси давом эттирилди.

Мингўрик қазилмалари вақтида энг чуқур қатламлардан эрамизнинг биринчи асрига оид бўлган ғиштин деворли истеҳкомлар, деворлар ичида эса темир найза учлари, идиш-товоқларнинг чиқиндилари топилган. Топилмаларнинг гувоҳлик беришига қараганда 5-6 асрларда шаҳар тез суръатлар билан ривожланган. Бу ерда кучли турк ҳокимияти вужудга келган. Ҳатто Хитой давлати ҳам бу давлатга ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлган. 7-8 асрларда шаҳарнинг энг юксалган даври бўлган. Барча меъморий қурилиш услублари, комплекс ички безакларида ҳашаматли деворий тасвир ва нақшлардан фойдаланиш уй рўзғор асбоб-ускуналари Шош пойтахтининг умумсўғд маданияти асосида ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, маданият ва маърифат марказига айланганлигидан, шунингдек бу ерда топилган хорижий давлатларга мансуб ашёлар шаҳарнинг юнонрим дунёсини узоқ Шарқ ва Хитой билан боғловчи манзил бўлганлигидан далолат беради.

Шаҳар қурилиши кенгайиб боргани сари эски қалъа деворлари торлик қилиб, унинг харобалари устига эски Шаҳристон уйларига нисбатан салобатли саройлар қурилган. Саройда супа ва нақшинкор устунли ҳашаматли ибодатхоналар ва бошқа хоналар бўлган. Санъат ва маданият ривожланган. Манбаларда қайд этилишича, мусиқа ва рақс санъати юксак поғонага чиққан. Шаҳарда танга зарб этилган. Расмий ёзма ҳужжатлар сўғд ёзувида битилган, алифбо сўғд ёзуви белгиларидан тузилган.

Шаҳар атрофида олтита шаҳарча ҳалқаси бўлиб, у гарнизон қароргоҳи ҳамда воҳа деҳқонлари билан чорвадорлар ўртасида савдо алоқаларини юргизиладиган жой вазифасини ўтаган. Шунингдек, Тошкент минтақаси орқали чўлларга ва умуман Шарққа халқаро Буюк Ипак йўли очилган.

Милоднинг VII асри ва VIII аср бошларида Шош пойтахтининг илк феодал даври маданияти гуллаб-яшнади. Аммо унинг гуллаб-яшнаши узоққа бормади. Саккизинчи асрнинг бошларида Араб халифалиги босқини туфайли барбод бўлди. Аҳолининг асосий қисми шаҳарни ташлаб кетди.

Манбаларда «Чоч мадинаси» деб юритилган Араб манбаларида тилга олинган «Мадинат аш-Шош» аёвсиз қирғинлар, ўт-ёнғинлар оқибатида хароб бўлди. Шаҳарнинг Арк ва Шаҳристони, мудофаа деворлари очилганда VIII аср бошларида бу ерда бўлиб ўтган фожеалардан гувоҳлик берди.

IX асрда Араб халифалиги Чоч сув шохобчаларини қайта тиклаш учун 2 миллион дирҳам ажратганидан сўнг Бўзсув суғориш тизими асосида бошқа ердаги аввалги ўрнидан 4-5 километр шимолий-ғарбда Анҳорнинг ўнг томонида (яъни, ҳозир Эски шаҳар деб аталадиган ҳудудда янги шаҳар қад кўтара бошлайди. Бу янги шаҳар араб манбаларида Бинкат деб тилга олинади. Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Бинкат шаҳримизнинг Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳалари туташган ҳудудда жойлашган.

Шундай қилиб Мингўрик харобаси кўп асрлар мобайнида ер тагида қолиб кетди. Кўҳна шаҳар қолдиқлари қазилма ишлари натижасида яна ҳаёт юзини кўриб, Тошкентнинг ўрта асрлардан қолган ёдгорлик пойтахти бўлиб қолди.

Кўҳна ва навқирон шаҳримизга оид миллий қадриятлар дастури доирасида Ўзбек давлатчилиги, Тошкент шаҳрининг тарихан шаклланиши билан боғлиқ Сергели туманидаги Шоштепа, Юнусобод туманидаги Оқтепа археологик ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан навбатдаги муҳофаза воситалари тарзида қадимий Шош давлатининг пойтахти бўлган ҳозирда Мингўрик деб аталмиш Мирobod туманидаги бу археология ёдгорлиги ҳудудида ҳам маълум режага биноан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди . Ўйлаймизки, Тошкентнинг ўрта асрлардан қолган ёдгорлик пойтахтини ўрганиш ва ободонлаштириш ишлари давом этади.

**Абдулазиз МУҲАММАДКАРИМОВ,**
**Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси.**

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## Илмий мерос тарғиботи

**Ўзбекистонда кимё фанини ривожлантириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республикамизда кимё фани йўналишида бир неча институтлар фаолият кўрсатаётгани ҳам буни исботлаб турибди.**

Ана шу йирик илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини йўлга қўйишда фидойилик кўрсатиб, «мўъжизакор» фан тараққиётига катта ҳиссасини қўшган аллома олимларимиз билан ҳам ҳақли равишда фахрланамиз. Шу ўринда академиклардан Собир Юнусов, Обид Содиқов, Ҳамдам Усмонов каби забардаст фан арбобларининг номларини келтириш жоиздир.

Уларнинг фан олдидаги катта хизматлари ва бой илмий меросларини ўрганиш ва тарғиб этишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг биоорганик кимё институти фаоллик кўрсатмоқда.

Бу борада олиб борилган изланишлар ва қимматли маълумотлар асосида қизиқарли илмий чиқишлар қилинаётир. Илмий муассаса олимлари ана шу бой материаллар бўйича маъруза матнларини тайёрлашди.

Улардан республикамиз олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида уюштирилаётган давра суҳбатларида кенг фойдаланилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Рассом ҳақида видеофильм

**Чинни, сопол идишлар ва буюмларга сайқал беришда уларга ишланган нафис безакларнинг тутган ўрни катта, албатта. Тасвирий санъатнинг бу жанрида баракали ижод қилиб келаётган рассомлардан бири моҳир санъаткор Софья Раковадир.**

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси, ёрқин истеъдод эгаси С.Ракованинг ҳаёт йўли ва баракали ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм яратилди. Ҳаваскорлик киностудияси маҳсулоти бўлган мазкур фильм рассом Ўрол Тансиқбоев мемориал уй-музейида намойиш қилинди. Гап шундаки, бу даргоҳда уста рассом С.Ракова ижодий кўргазмаси очилди. Талайгина экспонатларни ўз ичига олган бу экспозицияни келиб кўрувчиларни рассом ижоди билан яқиндан таништириш мақсадида видеофильмни намойиш қилиш ташкил этилди.

Шунингдек, давра суҳбати уюштирилиб, савол-жавоблар ўтказилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Хайрли ташаббус мевалари

**Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларнинг кенг билим олишларига имкон яратиш ва ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими Собир Раҳимов тумани ҳамда шаҳар Болалар ташкилотининг туман бўлими ташаббуси билан бир қанча фойдали ишлар амалга оширилмоқда.**

Тумандаги тегишли маҳаллаларда болалар майдончаларининг, шунингдек, «Қорасарой», «Чиғатой-Оқтепа», «2-Чимбой» маҳаллаларида кутубхоналарнинг ташкил этилиши ёшлар учун аҳамиятлидир.

Ушбу кутубхоналар фаолиятига бевосита «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳомийлик қилган ҳолда иш олиб борилаяптики, бунинг келажакдаги самараси катта.

Ҳар қандай самарали ишнинг бошида, албатта меҳнат ётади. Бугунги кунда ёшларимизга кўрсатилаётган мана шундай ғамхўрлик, келажакда уларнинг ютуғига айланади. Ёшларимизнинг ютуғи бизнинг ютуғимиздир. Зеро, келажак ёшлар қўлида.

**Анвар ҒАНИЕВ**

## Француз тилидан янги дарсликлар

**Янги ўқув йили олдидан мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари бир неча номдаги дарслик ва қўлланмаларга эга бўлдилар. Улар орасида чет тиллар бўйича яратилган ўқув адабиётлари ҳам бор.**

Умумтаълим мактабларининг 5, 6, 7-синфлари учун тайёрланган француз тили дарсликлари янги ўқув йилига яхши совға бўлди. Халқаро таълим андозалари талаблари асосида ёзилган бу китоблар ўз мазмуни ҳамда дизайни билан ажралиб туради. Назарий билимларни амалий машғулотлар билан уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи ўқув материаллари ҳам ўқувчилар томонидан осон ўзлаштирилади.

Янги дарсликларнинг юзага келишида франциялик мутахассислар М.Ферран, М.Аёррал, ўзбекистонлик моҳир ўқитувчилардан А.Носиров, З.Абдушукурова ва В.Бухинлар фаоллик кўрсатдилар.

Тошкентдаги 51-мактабда дарсликлар муаллифлари билан бўлган учрашувда бу ўқув адабиётларининг юқори сифат билан чоп этилгани ҳам кўрсатиб ўтилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти клиникаси реанимация бўлимининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Саъдулла Абдуллаев ўзининг ширинсўзлиги, беморларга нисбатан ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги билан кўпчилик ҳурматини қозонган. Шифокорлик касбини ардоқлаб келаётган бу инсон ҳақида фақат самимий ва илиқ сўзларни эшитасиз.



**СУРАТДА: тиббиёт фанлари номзоди, доцент Саъдулла Абдуллаев реанимация бўлими шифокори Эрали Тошпўлатов билан бемор соғлиғи тўғрисидаги маълумотлар билан танишмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

УДУМЛАР, ОДАТЛАР

## Меҳмон — қалб уйингиз чироғи...

**Яқинда қайнимнинг уйи бузилди. Шу вақтгача тиқ этиб ташқарига чиқмаган икки кабутардек бир-бирига жуда мос деб юрганимиз икки киши -икки тарафга орқасига қайтмас бўлиб кетди. Ўртада бўзлаб қолган болани ўйласам қоидаси ҳеч бир китобда битилмаган одобимиз, ички маданиятимиз, киши қалбининг нозиклиги ҳақида хаёл суриб кетаман. Ҳаммасига сабаб мавридсиз келган меҳмон холос.**

Мавридли, мавридсиз келган меҳмон...Мавридли меҳмон кишининг ичига ёқилган чироқ. Лекин мавридсиз меҳмонга қандай қилиб бемаврид келганини англатасиз? Назаримда овсиним худди шу нарсанинг уддасидан чиқмади, шекилли...

Ҳовлида жуда кўпчилик яшаймиз. Шанба куни эди. Яқин қариндошларнинг бириникида тўй бор эди. Ёш болали овсинимдан ташқари ҳаммамиз тўйга кетдик. Биздан сўнг эшик тақиллабди. Қайнимнинг ўртоғи экан. Насиба салом бериб одатга кўра «келинг» дебди. Йигит ҳам кўп келиб юрган жойи, ортиқча такаллуф қилдирмай ҳовлига кирган. Насиба нима қилишини билмай ҳовлидаги катта сўридаги хонтахта ёнига кўрпача солибди, сўз орасида ҳамманинг тўйга кетганини айтибди. Меҳмоннинг қайнимда зарур иши бор эканми ёки унинг хотинини синамоқчи бўлибдими, ишқилиб туриб кетмабди. Насиба нон-чой қилишга мажбур бўлибди. Сўри чеккасида ўтириб чой узатибди. Кейин енгил овқат қилган. Эндигина сузиб келганда қайним келиб қолган. Уни «хотининг ёлғиз» деб қайнонам тўйхонадан биздан илгари уйга юборган эдилар.

Қайним ўша куни ўртоғига сир бой бермабди, меҳмон қилиб иззатини жойига қўйиб кузатибди. Меҳмон кетгач, хотинига ёлғиз бўлатуриб ҳовлига эркак кишини киритган аёл билан умр қилолмаслигини айтган. Уни бу кескин сўзидан қайтаришга, овсиним бу ишни аввало унинг дўсти учун қилганини тушунтиришга қанча уринмайлик, қайнонам қанча зорланмасинлар — ҳаммаси беҳуда бўлди. Улар ажралиб кетишди. Шу воқеа туфайли оиламиз маънавиятда, ички маданиятда икки тараф бўлганга ўхшайди. Мен эса овсинимни оқлашимни ҳам, койишимни ҳам билмаяпман...

Кўнгилсиз воқеанинг сабаби нимада? Сиз бунга нима дейсиз?

Эшик қўнғироғи жиринглаcа. Оила аъзоларидан ёшроғи, кўпинча ўғил болалар югуриб эшик очишади. Келган киши қариндош бўлса кулишиб, сўрашиб, меҳмону мезбон баравар ҳовлига кириб келишади. Борди-ю, келган одам оила аъзоларининг биронтасига тегишли одам бўлиб, киришга фурсати бўлмаса, эшик очган киши тегишли кишини чақиради:

— Сизни фалончи акам (ё опам) йўқлаяптилар, — дейди.

Меҳмон билан муомала қилиб қайтган киши оиланинг бошқа аъзоларига, хусусан ота-онасига, дўст ёки ҳамкасбининг аввало уйининг тинчлигини билдиради, лозим бўлса келишининг сабабини айтади. Бу ҳам китобларда ёзилмаган қоида, одоб нормаси (мезони).

Борди-ю эшик қоққан киши эркак бўлса, уйда аёл (қиз, келин, хотин)дан бошқа ҳеч ким бўлмаса-чи? Эшик очган ҳаё билан саломлашади. Келган кишининг кимлигини билгач, илтифот билан «Уйга киринг, марҳамат! Ҳадемай дадам (ёки акам) келиб қоладилар», дейди. Эркак киши фаросатли бўлса, аёл, айниқса қиз бола ёлғиз бўлган хонадонга киришни ўзига эп кўрмайди, «бир айланиб келиш» баҳонасида вақтинча хайрлашади. Уйимизга бошқа шаҳардан келиб ҳам келинларнинг ёлғизлигини кўрганда оғир юкини омонат қўйиб «шаҳар айланиб» кетган меҳмонлар кўп бўлган. Бу ҳам халқнинг одоб китобига битилган қоида, ахлоқ нормаси.

Эшик қоқиб келган кекса бўлса, ёши улуғ киши бўлса, унинг кимлигидан қатъи назар уйга таклиф этилади. Тўрга, қулай ва юмшоқ жойга ўтказиб, дастурхон ёзилади. «Меҳмон отангдан улуғ» деганлар. Бундай меҳмонлар ҳақиқатан ҳам хонадонга файз олиб киради. Бу ҳам халқимизнинг қадимий удуми, китобларда битилмаган қоида.

Инсонлар ўртасидаги алоқа, борди-келди, дўстлик, ҳамкорлик, қариндошликнинг бўлиш-бўлмаслиги асосан улар ўртасидаги муомаланинг қандайлигига, яъни расмий, самимий, «тил учида», «хўжа кўрсинга», «жонини бериб» қилганига боғлиқ.

Эшигингизни қоқиб келган киши ёши ва жинсидан қатъи назар, сизнинг муомалангиз самимий ёки одатдаги «келинг!» деган сўзни «мажбурият», «одамгарчилик» юзасидан айтаяпсизми юзингиз, кўзингиз, хатти-ҳаракатларингиздан, имо-ишорангиздан билиб олади. Меҳмонга нисбатан самимийлик, илтифот меҳмон билан мезбон ўртасида ўзаро ҳурмат меҳр ипларининг боғланишига олиб келади. Қарабсизки, яна бир қадрдон ошно, дўст орттирдингиз. Қалб уйингизда яна бир ёрқин чироқ пайдо бўлди.

**Ойша ТЎРАЕВА,**
**педагогика фанлари номзоди, профессор.**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Одамнинг бахт-саодати орзу ва таъмаларига қараб бўлади. Энг таъмагир одам — бахт ва саодати энг оз бўлган одамдир.

● Ҳаётда гўзаллик, қувват ва саодатнинг манбаи — соддаликдир.

● Тўғрилик, хушхулқлик, ҳалол меҳнат саодатмандликнинг нишонасидир.

● Сукут — саломатликни, яхшилик — иззат ва обрўни, саҳийлик — улуғликни келтиради.

Байт:

**Молу мулкинг, мартабангдир беқарор,**
**Яхшилик қилгингки қолсин ёдгор.**

●Олимлардан Сайид Али Ҳамадоний айтади:

— Фалокатга дучор бўлишни истамасанг, мағрур ва мутакаббир бўлма. Роҳатда яшашни истасанг, дилингни ҳирсдан пок қил. Хору зорликни истамасанг, таъмагир бўлма, ўзингга яхшилик қилинишини истасанг, яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуғ иш деб бил. Қадр-қимматинг ошишини истасанг, баланд ҳимматли бўл. Ишинг пушаймонлик билан натижаланишини истамасанг, аввал яхшироқ ўйлаб, доно, тажрибакорлар билан кенгашиб, сўнгра ишга кириш. Ўзингни ҳаммага севдиришни истасанг, феъл-атворингни тузат, адабли, тарбияли бўл. Обрўга, иззат ва ҳурматга эга бўлишни хоҳласанг, ҳалол меҳнат қил. Ҳамманинг қошида ишончли, марғуб ва мақбул одам бўлишни истасанг, ёлғончиликдан сақлан, чақимчи, иғвогар бўлма, маънисиз, тутуруқсиз сўзларни айтиб юришдан ҳазар қил.

Мабодо ўнғайсиз ҳолда қолсанг, ишингда муваффақиятсизликка учраб, қайғу-ҳасрат ичида қолсанг додфарёд қилиб юрма, сабр қил. Ўнғайсиз ҳолдан қутулиш чорасига кириш.

● **Қитъа:**

**Сен қазога ўчашиб йиғлама кўп етса алам,**
**Сенинг минг йиғлаганинг бирла қазонинг иши йўқ.**
**Ғам-аламдан қутилиш чорасини кўрсанг агар,**
**Тинч, роҳатда яшайсан, ранжу жафонинг иши йўқ.**

● Ҳамиятли одам паноҳ истаб келганни ўз паноҳига олади. Имкони борича уни ҳимоя қилади, зарар етказмасликка тиришади.

Ҳикоят:

Ҳукмдорлардан Баҳромгур кунлардан бир кун овга чиқди, бир кийикни учратиб уни овламоқчи бўлганди, кийик тезлик билан қочиб кетди. Баҳромгур унинг орқасидан қувлай-қувлай ниҳоят бир қабила яшаган ерга етиб келди. У қабилада Қабийса номли бир одам бор эди. Кийик ташналикдан бетоқат бўлиб Қабийсанинг чодирига кириб келди, ҳол тили билан ундан паноҳ истади. Қабийса уни тутиб боғлаб, сув берди, қорнини тўйғазди. Шу тобда Баҳром чодир эшиги ёнига етиб келди. Қабийсага дўқ қилиб:

— Эй араби, менинг овим сенинг чодирингга кирди, дарҳол уни чиқариб менга топшир, — деди.

— Эй отлиқ яхши йигит, мендан паноҳ истаб чодиримга кирган жониворни ўлдириш учун сени қўлингга топширишим мурувватдан эмасдур, — деб жавоб берди Қабийса.

Баҳромгур қаттиқ сўзлаб Қабийсага ҳужум қилиб, кийикни чиқариб беришни талаб қилди. Қабийса унинг сиёсатидан қўрқмай айтди:

— Эй йигит, беҳуда сўзларни сўзлама. Мендан паноҳ истаб чодиримга кирган бечора жониворни нечун сени қўлингга топширай. Қўлингдаги ўқ-ёй билан мени ўлдирсанг, ўшандагина кийикни олишинг мумкин бўлади. Агар мени ўлдирсанг, қабилам халқи сени тирик қўймайди. Кел, ўз жонингга раҳм қилиб, бу бечора жониворни қўлга олиб ўлдириш савдосидан кеч. Агар ҳирсинг томири тинч турмаса эшигим ёнида боғлиқ турган гўзал ва чопқир отимни эгар, югани ва бошқа асбоб-жабдуқлари билан сенга бердим. Отимга миниб ўз отингни унга эргаштириб уйингга қайт.

Баҳромгур Қабийсанинг ҳимматига таҳсин ва офарин қилди, унинг отига илтифот қилмай ўз саройига қайтиб кетди.

Эртаси куни Қабийсани саройга келтирдилар. Унга кўп илтифотлар кўрсатилди.

Байт:

**Истагач бир қатра дарёдан паноҳ,**
**Айлади унга садафдан такъягоҳ.**

● Қаноат ва сабр-матонат кишини юксак ишларга чорлайди.

● Қаноатсиз одам ҳеч қачон ўзини ўзи идора эта олмайди.

● Енгил эришилган ғалабаларнинг қадри бўлмайди. Қатъий қаноатлилик билан қўлга киритилган ютуқлар ила фахрланса бўлади.

Донолар айтади: тарбияли хотунлар ҳар вақтда қаноатли бўлурлар. Қаноат — етишурлик миқдорига ёки хазинада топилғонига ризо бўлмоқ демакдир. Бу эса эркаклар учун ҳам, хотунлар учун ҳам энг гўзал бир сифатдир. Қаноатлик бир хазинадирки, ҳеч вақт камаймас. Етишур миқдорига ризо бўлмағон кимса ертўла бойлиги бўлса-да ҳаргиз қаноат қилмас. Демак қаноатсизлик одам боласидаги бир хасталикдир. Ушбу сабаб учун қаноатсизлик ила мубтало бўлган кимса, охиратнинг тўғри йўлидан бир четга чиқиб, кўп вақт адашиб қолур ва турмушнинг кўп машаққатларига дучор бўлур. Қаноатсиз кишининг ҳожат нарсаси кўп ва кўзи очлиги чексиз бўлғонидан муродини ҳосил қилиш учун ҳар ёлғон сўзлар ила маддоҳлик қилур. Шунга кўра хотунларга эрларининг бор хазиналарига қаноат айламоқлик лозим бўлур.

Агарда одам боласи ҳар вақтда ўзидан бечора ҳолли кимсаларни кўриб турса ва ҳолидан яна бечора ҳолга тушуви мумкин эканини кўнглиға келтурса, албатта борига қаноат этажакдир.

Қўлига кирган молини эътибор ила тегишличагина сарф этган кимса ўзининг тирикчилигига, ҳам ризо бўлур, ҳам шукр қилур. «Соғлиғинг — бойлигинг» дейилган сўзни унутмоғлик яхши эмас.

Байт:

**Кулфатга тушганда фақат битта йўл,**
**Ғамни ҳеч ўйлама, тетик, бардам бўл.**

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»— 2002

# ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

**Ўтган душанба куни Президент Кубоги мусобақаларининг асосий босқич беллашувлари бошланди.**

Дастлабки ўйинлардаёқ ишқибозлар кутилмаган натижаларнинг гувоҳи бўлишди. Жумладан, даниялик Кеннет Карлсен Николас Кифер (Германия)нинг ўйин пайтида жароҳатланганлиги сабабли кучли рақиби устидан ғалаба қозониб, нимчорак финалга чиқди. Италиялик Дэвид Сангвинетти эса Швеция теннис юлдузи Магнус Норманни уч сетлик баҳсда 4/6, 6/4, 7/6 (3) ҳисобида енгди. Душанба кунги қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Андрей Столяров (Россия) — Томас Кетола (Финляндия) — 2/6, 7/6 (2), 6/2, Харел Леви (Исроил) — Николай Давиденко (Россия)— 6/4, 7/6 (9). Афсуски, шу куни ҳамюртимиз Олег Огородов саралаш турнири орқали асосий босқичга чиққан, ўзидан-19 рейтинг рақами паст беларуссиялик Владимир Волчковга икки сетда 6/2, 6/2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Лекин жуфтликлар баҳсида иштирок этаётган иккинчи теннисчимиз Вадим Куценко кўп сонли мухлисларини ажойиб ўйини билан шод этди. У Томас Кетола билан биргаликда Николай Давиденко (Россия) ва Дмитрий Мазур (Ўзбекистон) жуфтлигини 4/6, 6/3, 6/2 ҳисобида енгиб чорак финалга чиқди. Марат Сафин — Денис Голованов (иккови Россиядан) ҳам Райнер Шуттлер (Германия) — Михаил Южний (Россия)ни енгиб кейинги босқичга йўлланма олди.

**КЕЧА**

ўтказилган беллашувлар ҳам кескин ва шиддаткорлиги билан ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, марказий кортда ўтказилган дастлабки ўйин муросасизлиги билан алоҳида ажралиб турди. Деярли уч соатга яқин кечган уч сетлик баҳсда Евгений Кафельников (Россия) германиялик Александр Васкени катта қийинчилик билан фақат тай-брейкларда 6/7 (6), 7/6 (5), 7/6 (6) ҳисобида енгишга муваффақ бўлди. Умуман, шу куни немис теннисчиларининг унчалик омади чопмади. Кристиан Плесс (Дания) Райнер Шуттлерни 7/6 (4), 6/2 ҳисобида енгган бўлса, Саргис Саргисян (Арманистон), Биом По устидан 6/3, 7/6 (3) ҳисобида устун келиб кейинги босқичга йўлланма олди. Фақат Ларс Бургсмюллергина россиялик Кирилл Иванов-Смоленский устидан 4/6, 6/0, 6/2 ҳисобида ғалаба қозонишга муваффақ бўлди.

Турнирнинг тантанали очилишидан кейин 1992 йилги Барселона олимпиадаси чемпиони, ATP Tour туркумидаги мусобақаларнинг ўн беш бор ғолиби, профессионал теннисда ўн тўрт йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, Президент Кубоги мусобақаларида ҳам беш бор қатнашиб, 1997 йили финалга чиққан швейцариялик Марк Россе ҳамда 1998 йилдан буён Германиянинг биринчи ракеткаси, Сидней олимпиадаси финалчиси, «Катта дубулға» туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионатининг бу йилги финалчиси, ATP Tour мусобақаларида якка тартибда беш бор ғолиб бўлган, ҳозирги кунда рейтинг рақами 3 ҳисобланмиш Томми Хаас ўртасида ўтган учрашув ҳам турнирнинг энг йирик шов-шувли натижасини намоён қилишига оз қолди. Зеро, теннис фахрийси, тажрибали Марк Россе шу куни гўё ўзининг иткинчи ёшлигини бошидан кечирди. Унинг соатига 214, 201, 206, 202 километр тезликдаги тўп оширишлари эйслар билан якунланиб, шунингдек аниқ ва тезкор ўйини биринчи сетда Маркнинг 6/4 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Бунда кўп жиҳатдан унинг еттинчи геймда рақибининг тўп оширишини ютгани ҳам жуда қўл келди.

Иккинчи сет ҳам жуда кескин кечди. Гоҳ у, гоҳ бу рақибнинг қўли баланд келиб ҳақли равишда сет ғолиби тай-брейкда аниқланадиган бўлди. Бунда йиғинчоқлик билан ўйнаган Хааснинг 7/2 ҳисобида қўли баланд келиб, иккинчи сетни ўз фойдасига ҳал этди. Учинчи сетда эса ёшлик жўшқинлиги, шижоати ўз ишини қилди — ўзини ўнглаб олган курраи заминнинг учинчи рақамли теннисчиси Томми Хаас рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмаган ҳолда 6/3 ҳисобида ғалаба қозонди ва нимчорак финалга чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди. Россия теннисининг энг кучли вакили Марат Сафин ҳам йиғинчоқлик билан ўйнаб французиялик Григорий Карразни енгил ва чиройли тарзда 6/2, 6/4 ҳисобида ютди.

Юқорида ҳамюртимиз Вадим Куценконинг жуфтликлар баҳсидаги ғалабасини таъкидлаб ўтгандик.

**КЕЧА**

Вадим якка тартибда ҳам чиройли ўйин кўрсатиб, ўзининг дастлабки ғалабасини қўлга киритди. У исроиллик Ноам Окунни 6/2, 3/6, 7/5 ҳисобида енгди ва нимчорак финалга чиқди. Қолган ўйинларда Михаил Южний (Россия) Испания вакили Фелисано Лопесни 7/6, 6/4, жуфтликларда Карол Бек (Словакия) — Владимир Волчков (Беларуссия) жуфтлиги —Кирилл Иванов — Смоленский (Россия) — Дмитрий Томашевич (Ўзбекистон)ни 6/1, 7/6 ҳисобида енгишди.

**БУГУН**

эрталаб турнир доирасида болалар куни бўлиб ўтди. Бунда теннисга ихлосманд жажжилар, ўз қўлига илк бор катта ракеткаларни олган болалар тажрибали мураббийлар, мусобақа қатнашчиларидан илк сабоқларни олишди, турли викторина, танловлар ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Тушдан кейин кортда яна бир нечта қизиқарли ўйинлар бўлиб ўтди. Йиғилганлар Евгений Кафельников (Россия) ва Кеннет Карлсен (Дания), Харел Леви (Исроил) ва Осиёнинг биринчи ракеткаси Парадорн Шрикафан (Таиланд), Саргис Саргисян (Арманистон) ва Томми Хаас (Германия), Вадим Куценко (Ўзбекистон) ва Иван Любичич (Хорватия) иштирокидаги қизиқарли ўйинларнинг шоҳиди бўлишди.

**(Ўз мухбиримиз).**

**СУРАТЛАРДА: кортда — энг кучлилар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**






ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР

## ОЛТИН БУРГУТ

Бир одам бургутнинг тухумини топиб олди ва уйидаги курка товуқнинг тухумларига қўшиб қўйди. Тухумдан бургут боласи чиқди ва жўжалар билан бирга ўсди.

Унинг бутун ҳаёти жўжалар билан ўтди, улар нима қилса қилди, улар каби ер титди, чувалчанглар ва қурт-қумурсқаларни тутиб еди. У товуқлар каби қичқирди, қақиллади. У ўзини уларнинг бириман деб ўйлади.

Лекин у қанотларининг қудратини, қанот қоқса учиб кетишини ва ҳавода муаллақ тура олишини билмади.

Йиллар ўтиб бургут қариди. Бир кун у осмонда ажойиб қушни кўриб қолди. У қуш олтин ранг қанотларини кенг ёзиб ҳавода қандайдир сеҳр билан гўёки сузар эди. Қари бургут унга ҳавас ва қўрқув аралаш қараб турди ва секин — У ким? — деб сўради.

— «У — бургут, қушларнинг подшоҳи, — жавоб берди қўшниси. — Унинг макони осмонларда, у — осмоннинг эгаси. Бизнинг маконимиз эса ер, чунки биз товуқлармиз».

Шундай қилиб бургут ўзини товуқ деб ўйлади, товуқ каби яшади ва товуқ каби ўлди.

## ҲАММА НАРСАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Бир куни тиламчи бойнинг уйига келди. Бой уни ичкарига таклиф этди ва унга бир косада шўрва берди. Тиламчи шўрвани жуда тез ичиб олди. Бой овқатни ичиб олган тиламчидан. — Яна овқат ейсанми? — деб сўради.

— Йўқ, раҳмат, — жавоб берди тиламчи. Шу етарли, мен тўйдим.

Лекин бой унга қовурилган гўшт берди. Тиламчи қовурилган гўштни ҳам тезда еб олди.

— Яна овқат ейсанми? — сўради яна бой.

— Йўқ, раҳмат, — жавоб берди тиламчи. — Шу етарли, мен тўйдим.

Шундай бўлса ҳам бой унга ширинликлар берди. Тиламчи эса уларни ҳам тез еб тугатди.

— Сен нега мени алдадинг? — сўради бой. Ҳар доим яна овқат ейсанми? — десам, тўқман дейсану, лекин аслида оч бўласан, ҳар қандай овқатни еб қўясан?

Шунда тиламчи атрофга қаради ва бир қутини топиб унга тош тўлдирди.

— Бу қути тошга тўлдими? — деб сўради бойдан.

— Ҳа тўлди, — деб жавоб берди бой.

Кейин тиламчи қутига қум солди ва тўлдирди.

— Бу қути қумга тўлдими? — деб сўради бойдан.

— Ҳа, тўлди, — деб жавоб берди бой.

Кейин эса қутига бир челак сув қуйиб тўлдирди ва деди:

— Ҳар доим қути тўлдими десам, тўлди, деб жавоб бердинг. Мен эса унга яна бошқа нарсаларни жойладим. Бас шундай экан, эй саховатли бой, тўйдингми, деб сўраганингда, мен тўйдим, деб сени асло алдаганим йўқ. Зеро, ҳамма нарсанинг ҳам ўз ўрни бор.

**Муҳаммадзаҳроб ИСМАНОВ**

**Ўтганлар руҳини шод этмоқ хайрли, дейдилар. Шаҳримиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси қошида бунёд этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи эндигина ишга тушган бўлса-да, унга ташриф буюрувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.**

Музей фаолиятини йўлга қўйишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳам ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Улар томонидан сентябрь ойидан бошлаб навбатчилик ташкил қилинган бўлиб, «Камолот» ёшлари музейи ходимларига яқиндан ёрдам бериб келишяпти.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими раиси Хайрулла Қиличев бу ҳақда шундай дейди: — Ҳозир музейга ташриф буюрувчилар сони айни кўпайган пайт. Теннис бўйича Президент кубоги халқаро мусобақалари ўтказилиши муносабати билан ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар музей билан қизиқиб, «Шаҳидлар хотираси» майдонига тез-тез келиб туришибди. «Камолотчи» ёшларимизнинг уларни кутиб олиш ҳамда кузатиб қўйиш, яъни «гид»лик вазифасини ўташлари жуда қўл келди.

ХОТИРА — МУҚАДДАС ТУЙҒУ

## Ҳамкорлик самара бермоқда

Шу каби хайрли ишлар «Шаҳидлар хотираси» майдонида тез-тез ўтказилиб турилади. Музей қурилишида туман маҳаллаларидан ҳашарчилар фаол иштирок этган эдилар, айни кунларда ҳам улар ушбу савоб ишни канда қилаётганлари йўқ.

— Музей майдонини орасталашга, уни текислаб дарахтлар экишга ҳамда қурувчиларга ёрдам беришга маҳаллалардан ҳашарга келганларни кўриш қувонарли ҳол бўлди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Юнусобод тумани бўлими раиси Ҳусан Ахроров. — Маҳаллалардан бир ой давомида ҳар куни 10 кишидан иборат фаоллар ҳашарда иштирок этиб музей қурилишига ўз ҳиссаларини қўшиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Ҳашар қатнашчилари ўзига хос маънавий озуқа олаётганликлари ҳам шубҳасиз. Улар нафақат музей қурилишида, балки унинг фаолиятини йўлга қўйишда ҳам иштирок этиб савоб ишга қўл урмоқдалар. Чунки ота-боболаримиз руҳини мудом ёд этиш муқаддас бурчимиздир.

**(Ўз мухбиримиз)**

МУЛОҲАЗА

## Яхши совға

**Бир куни уйга келсам, укам ўзининг навбатдаги муаммосини ойимга айтаётган экан. Бунга мен ҳам қулоқ тутдим. «Ўртоғим ҳамма синфдошларини туғилган кунига таклиф қилаётган экан. Шунга эртага мени ҳам айтган эди. Совғага нима олиб борсам экана?» дея ойимдан сўраб қолди. Ойим ҳам иккиланиб туриб, «Билмадим, ўғлим, ўзинг биласан...» деб қўя қолдилар. Шу дам ёдимга бир воқеа тушди...**

Эсимда, ўшанда 6-синфларда ўқиб юрган кезларим эди. Ўша чоғлар — болаликнинг энг унутилмас дамлари экан. Бир-бирига гина-кудурат сақламайдиган, адовати йўқ, шўх, ўйинқароқ болалар эдик.

Бир куни дугонам бизни таваллуд айёмига уйига таклиф қилди. Албатта, дугонам бўлгандан кейин, эсдалик учун бирор-бир совға қилишим керак. Ўйлаб-ўйлаб унга китоб ҳадя қилишга қарор қилдим.

Айни пайтларда дадам ҳафтасига бир марта бўлса-да, бирор-бир янги нашрдан чиққан китоб билан китоб жавонимни, яъни хазинамни тўлдириб турардилар. Уларнинг сонини камайтиришни умуман хоҳламасдим. Юрагим ачишиб бўлса-да, улардан иккитасини дугонамга эсдаликка бердим. Бундан у жудаям суюнди. Уни кўриб, мен ҳам ичимдан қувониб турардим.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, мен ҳам ўз туғилган кунимни нишонладим. Меҳмонлар кетгач, совғаларимни очиб кўрдим. Ишонасизми, дўстларимдан 12 таси совғаларига илова тарзида янги «Алибобо ва қирқ қароқчи» китобини тақдим этишибди. Ўша дақиқаларда ичимдан кечаётган қувончимни сўз билан таърифлай олмайман.

Ушбу воқеалар хаёлимдан кеча туриб, укамга «Китоб совға қил» деганимни билмай қолдим. Бошида укам жавобимни жиддий қабул қилмади. Яна такрор айтганимдан сўнг, «Опа, қандай китоб оламан?» деб, ҳайрон бўлиб сўради. Укамнинг саволига ҳарчанд уринмай, жавоб топишга жуда қийналдим. Чунки китоб дўконларида болалар учун янги нашрдан чиқаётган китоблар жуда кам, бўлганда ҳам қимматлигидан ота-оналарнинг болаларига ушбу китобларни бот-бот олиб бериш учун имкониятлари йўқ. Қолаверса, ўзим кўз-қорачиғимдай йиғган китобларимни укамга тақдим этгим келди, аммо ҳозирда укам тенгилар фақатгина лотин ёзуви орқали китоб мутолаа қилишадида! Хуллас, укамнинг саволи жавобсиз қолди.

Юқоридаги сабаблар туфайли, билим манбаи — китобларнинг болалар орасида эътиборсизланиб қолиши — жуда ачинарли ҳол. Илм хазинасига қанча пул сарфласак ҳам арзийди. Шундай экан, болалар дунёсига китоб оламини турли хил тарғибот йўллари ила олиб кириш биз каби опа-акаларнинг қўлида эмасмикан?

**Наргиза ОТАХОНОВА**

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

### НОМЗОДЛАР МАЪЛУМ БУЛДИ

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида уюштирилаётган XIV Осиё ўйинлари сентябрь ойининг охирларида бошланади. Айни ушбу нуфузли мусобақага старт берилган пайтда эса Осиё футбол конфедерацияси томонидан янада нуфузли ҳисобланаётган чемпионлар лигаси беллашувлари ҳам бўлиб ўтади. Қизиғи, қитъада биринчи марта клублар ўртасида ташкиллаштирилаётган ушбу мусобақада мамлакатимиз шарафини терма жамоамиз асосини ташкил этувчи «Пахтакор» ҳамда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ҳимоя қилишади. Ўзбекистон футбол федерациясининг мураббийлар иштирокидаги йиғилишида терма жамоамизнинг Пусанга қайси таркибда бориши масаласи кўриб чиқилди. Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, термамизнинг ўқув—машғулот йиғинларида қатнашган «Қизилқум», «Дўстлик», «Трактор», «Металлург» ва бошқа клублардаги маҳоратли футболчилардан таркиб топган жамоа Пусанга борадиган бўлди. Демак, бош мураббий Равшан Ҳайдаров тавсиясига кўра Маъмур Икромов, Александр Корнейчук, Асрор Алиқулов, Камолиддин Кенжаев, Илья Кликунов, Александр Кликунов, Анвар Ғафуров, Максим Усмонов, Даврон Одилов, Шуҳрат Мирхолдиршоев, Отабек Пирматов, Вадим Котельников, Руслан Вагапов, Ринат Байрамов, Алексей Николаев, Марат Ахмеров, Бахтиёр Ҳамидуллаев, Баҳром Ҳайдаров, Илҳом Мўминжонов, Алишер Ҳолиқовлардан иборат иқтидорли футболчиларимиз Осиё ўйинларида мамлакат шарафини ҳимоя қилишадиган бўлишди. Дарвоқе, Александр Гейнрих, Илёс Зейтуллаев, Эльдор Магдиев сингари термамиз асосини ташкил этувчи футболчилар ёшлар терма жамоасида қитъа биринчилиги мусобақасида қатнашишади.

### БАҲОДИР ИНДОНЕЗИЯДА

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» жамоасининг моҳир футболчиси Баҳодир Қодиров Индонезияга йўл олди. Айни кунларда Индонезия клубларидан бирида синов машғулотларини ўтаётган ёш, истеъдодли ярим ҳимоячи Баҳодир Қодировнинг орзуси хорижда омадини синаб кўриш.

### ВАСИЛЕНКО ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Футбол бўйича мамлакат XI миллий чемпионати иккинчи давра учрашувларини анча муваффақиятсиз бошлаган Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ҳатто «Сурхон»га 19-турда 1:7 ҳисобида енгилганди. Шу сабаб ҳам клуб раҳбариятининг қарорига кўра бош мураббий В.Василенко ўз вазифасидан озод этилди. Эндиликда «Сўғдиёна»ни бўлғуси учрашувларга Василенконинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган Бахтиёр Ғофуров тайёрлайди.

## Мухлисларни қувонтирган ғалаба

**Айни кунларда Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоасига гуруҳ баҳсларидаги дастлабки учрашувда омад кулиб боқди.**

Японялик тенгдошларига қарши тўп сурган футболчиларимиз тезкор, шиддатли ўйин намойиш этиб рақиблар дарвозасини икки маротаба аниқ нишонга ола билишди. Ўз дарвозаларидан биттагина гол ўтказиб юборган ўзбекистонлик ёш чарм тўп усталари 2:1 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритиб ишқибозлари кўнглини хушнуд этишди. Дарвозаларга тўпларни Жабдоев, Бикмеев пенальтидан (Ўзбекистон), Акомота (Япония) йўллашди.

Энди футболчиларимиз Сурия ҳамда Қатар терма жамоалари билан куч синашишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

ТАНИШИНГ, ЯНГИ РУКН: «ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР СИРЛАРИ»

## «Қора шаҳзода» ёқути

**Буюк Британия қироллик тожида энг улуғ қимматбаҳо тошлар хазиналари ичида энг машҳури қизғиш рангдаги «Қора шаҳзода» ёқути номи билан юритиладиган тошдир. Бу ёқутнинг саргузаштлари ҳеч бир бриллиант, ёқут, олмосларда бўлмаган. Шу ерда бир табиий ҳолатни эслатиб ўтмоқчимиз. Шу даврга қадар инсоният қимматбаҳо тошларни билганидан бошлаб, ҳеч бир нодир қимматбаҳо тош — бриллиант, ёқут, олмослар ўз соҳибларига ҳеч қачон бахт келтирмаган («қора шаҳзода» ёқути бундан мустасно). Шунинг учун улар бадавлат одамлар, шоҳлар қўлидан бир-бирларига ўтиб турган.**

«Қора шаҳзода» ёқути биринчи марта 1367 йили Гранада қироли хазинасида бўлиб, шу йили Кастилия (Испания) қироли дон Педро Гранада билан урушиб, ушбу мамлакатни енгишда унга ёрдам қўлини чўзган Эдуард III ўғли Қора шаҳзоданинг ёрдамида ғалаба қилгани учун ёқутни унга совға қилади. Бу ёқут қирол Генрих V нинг бошига киядиган тожига ўрнатилади. Қаранги, бу ёқут Генрих V ни герцог Д'Алонсон билан Агинкортга бўлган урушида уни ўлимдан сақлаб қолди. Яъни, герцог Д'Алонсон, Генрих V га билдирмасдан яқин келиб, унинг бошига найза отади. Найзани фақат ёқут қайтариб, унинг жонини сақлади. Ёқутнинг ўзи зарар кўрмади. Англия Республикаси (1649-1660 йиллар) ҳукумати фармонига асосан барча қимматбаҳо тошлар, шулар жумласидан қироллик тожига тегишлилари ҳам эркин сотувга қўйилди. Уларнинг ичида «Қора шаҳзода» ёқути ҳам бор эди. Ёқутни монархия тарафдорларидан бири сотиб олди ва қирол тахтга ўтиргандан кейин уни қирол хазинасига совға сифатида топширди. Шу пайтгача сақланиб келаётган қирол Генрих II тожининг бир ерида айнан «Қора шаҳзода» ёқути учун қилинган махсус жой бор.

«Қора шаҳзода» ёқути ҳам, «Амир Темур ёқути»дек Давлат империя тожидаги хочнинг ўртасига ўрнатилган. Шу даврга қадар бу ёқутга ҳеч қандай ишлов берилмай, табиий ҳолича сақланган. Чунки бу ёқутнинг кўриниши барчани лол қолдириб ҳайратга туширган. Асл кўриниши қизғиш бўлишига қарамай, унга тушаётган ёруғликнинг ўзгариши билан унинг ҳам ранги ўзгарган. Бу табиий қимматбаҳо тошларда жуда ҳам кам учрайдиган антиқа ҳолатдир. Шунинг учун унга ҳеч қанақа сунъий ишлов берилмай, фақат силлиқланган холос. Унинг қадимги ҳажми сақланиб, узунлиги 5 сантиметр, нотўғри геометрик шаклдадир. Унинг бир томонида кичик тешик мавжуд бўлиб, афтидан олдинги соҳибларидан бири уни тақиб юриш учун тешган бўлса керак. Лекин ҳозирда бу тешикка аниқ мос қилиб бошқа ёқут ўрнатилган. Бу эса унинг жозибадорлигини янада оширади. Оғирлиги 47,2 карат (1 карат — 0,2 грамма тенг).

Табиат ўз қўли, шароити билан инсонни лол қолдирадиган мафтункор, мўъжизакор қимматбаҳо тошлар яратиб, улар ажойиб, гўзал кўриниши билан инсонга ўзгача бир ҳолат: хуш кайфият, саломатлик бахш этади.

Шунинг учун қўли гул инсонлар доимо гўзал, мафтункор, жозибадор, қайтарилмас буюмлар, безаклар, тақинчоқлар ва шунга ўхшаш нарсаларни яратиб, инсон қўли нималарга қодирлигини амалда кўрсатиб, бошқаларни ҳам шундай бўлишларига йўл кўрсатадилар.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

## Машҳур кишилар ҳаётидан

Юлий Цезарнинг жияни ва тутинган фарзанди Октавиан Август жангу жадалда шафқатсиз бўлса ҳам, тинч вақтларда оддий деҳқонлар билан ҳазил-мутойибани яхши кўрар эди. Бир куни Август Рим кўчаларида қаёққадир бораётганида худди ўзига ўхшаш қиёфали бир йигитни кўриб қолиб:

— Ҳой йигитча, сенинг онанг Римга тез-тез келиб турармиди? — деб ҳазиллашди. Яъни, «Онанг менинг отамни кўриб турармиди» демоқчи эди.

Қишлоқлик йигит ҳам бўш келмай:

— Йўқ, жаноб, бу ерга отам тез-тез келиб турарди, — деди.

Император бу жавобдан мириқиб кулди.

* * *

Македониялик Искандарнинг хушомадгўйлари кўп эди. Шулардан бири зобитга Искандар бундай савол берди:

— Грециянинг об-ҳавоси яхшими ё Македониянинг?

Зобит бошлиғига хушомад қилиб:

— Македониянинг об-ҳавоси яхши, — деди.

Искандарнинг ёнида ростгўй Каллисфен бор эди. У хушомадгўй зобитга:

— Сен Грецияда бир йиртиқ қўйлакда бемалол юрар эдинг, Македонияда уч қават кийимда ҳам совуқ қотяпсан. Қаернинг ҳавоси яхши? — деди.

* * *

Бир подшоҳ инжиқ, талтайган ўғилчасини мақтаб, бундай деди:

— Бутун Греция аҳолисига Афина бошлиқ, Афина аҳолисига — мен бошлиқ, менга — хотиним бошлиқ, хотинимга — ўғилчамиз бошлиқ.

**Ҳусан НАБИЕВ тайёрлади.**

БОЛАЛАР СЎЗЛАГАНДА...

— Ҳасан, сен катта бўлганингда мен анча қексайиб қоламан...

— Кейин ёрилиб кетаркансиз-да?

— Нега энди?

— Ана, уйимиздаги эскирган водопровод қувурлари ҳам ёрилиб кетяпти-ку!

## ШИНГИЛ ҲАНГОМАЛАР

* * *

Дилноза чангларни артаркан, деди:

— Мен энг жасоратлиман!

— Нега?

— Чунки микробларни ўлдиряпман-да!

* * *

Ойна олдида:

— Дада, қизиғ-а, кўзларим қора, лекин ҳамма нарсани рангли кўряпман-ку!

**Ҳаким НОДИРОВ тайёрлади.**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2002 йил 8 сентябрда Гапаров Нурулла Вахидовичга тегишли бўлган машинада йўқолган ҳужжатларни катта суюнчи берилиши орқали қайтаришларини сўраймиз.
**Телефон: 79-95-70**

Собир Раҳимов туманида жойлашган «Taga ta'mirlasn» масъулияти чекланган жамияти Код ОКПО 01887910 тугатилади.
**Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 48-22-57 телефони орқали қабул қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси унинг маъмурий биносидаги 436 ва 444-сонли хоналарнинг темир муҳрлари йўқолганлиги муносабати билан ушбу муҳрлар бекор қилинганлигини маълум қилади.

«Ўзбек Давлат цирки»
Республика бирлашмаси
Тошкенбой Эгамбердиев
номли Тошкент Давлат
ЦИРКИ
2002 йил 30 августдан
Кузги-қишки
мавсумнинг
очилиши





*Қарияларни қадрлаш йилига БАҒИШЛАНГАН ЁШЛАРНИНГ КАТТА БАЙРАМ ДАСТУРИ*

*ДАСТУРДА:*

**«Туялар устидаги акробатлар»**
халқ артисти Ҳаким Зарипов бошчилигидаги
**«Ўзбекистон йигитлари»**
иштирок этади. Шунингдек, ўргатилган кучуклар, гимнастлар, жонглёрлар ва қувноқ масхарабозлар иштирокидаги катта ранг-баранг дастур

**Томошалар: жума кунлари соат 18.00, шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.**
**Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.**
**Ҳақ турли усулда тўланиши мумкин.**
**Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди.**

***Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-29-04, 144-35-91.***



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809. Босмага топшириш вақти 16.00 Топширилди 17.00 1 2 3 4 5 6